

Мусаллам БОНУ

ТАФОВУТ

Шеърлар

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси Адабиёт
жамғармаси наشريёти
Тошкент — 2002 йил**

ТУЙҒУЛАР ТАСВИРИ

Бир жиҳатдан ҳозирги замон бошловчи шоирига қийин. Чунки, кейинги ўттиз-қирқ йиллар миёнасида миллий назмда маъни ва мазмун борасида кўп ўзгаришлар бўлди: бармоқ вазнининг янги имкониятлари очилди, ғарб, япон адабиёти таъсирида ноанъанавий оқимлар юзага келди. Хулласи калом, назмнинг «усул» сандиғи ва «бармоқ теккизилмаган» ташибеҳлари қолмади, ҳисоб. Шундай замонда ўзгачароқ сўз айтмоқ мушкулдир.

Ҳозирги давр бошловчи шоирига бир жиҳатдан осон. У ўрганишга, таъсирланишга, ҳулоса ясамоққа қийналмайди. Ва ўз тажрибаларини шу аснода ишончли ўтказади. Биз XXI аср авлоди деганда шундай қисмат эгаларини тушунаемиз.

Этиборингизга шеърлари ҳавола этилаётган шоира шу авлод вакилларидан бири. Мусаллам Бону баёнга эмас, даставвал туйғулар тасвирига диққат қилади.

Унинг шеъриятида воқеабандлик билан тасвир уйғунлашади: чиройли фикрлаб, мухтасар шаклда ёзади, баландпарвозликни, «ялтир-юлтир»ни хуш кўрмайди. Унинг назмида, чумоли ва девнинг «руҳий жуссаси» бир хил. Яъни ишқига яраша...

Шеърлардан завқу шукӯҳ олиш, бирор маъни уқиш имкониятини сиз азиз муштарийга қолдирган ҳолда Мусаллам Бонуга машаққатли йўлда омад тилаймиз.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД.

ОЙДИН ТУШЛАР

СИЛСИЛА

Нигоҳимда ям-яшил дунё
Кўринмайди еру осмони
Ошпоқ гуллар қийғос очилган

Оқара бошлайди қорачиқларим
Паркудай ёйилар таниш товушлар
Тўкилиб кетади эски Хотира

Сен ва Мен
Сукунатни севаёпмиз
жим...

Бармоқлар шивирин
тинглаймиз яна
Ва мента тутасан
Шафакранг Кўзгу
Ишққа айланади
дунёлар бари
Бахтнинг сувратини
чиза бошлайман

Узоқлаша бошлар
таниш товушлар
Қаттиқроқ кучаман
Қорачиқларим

* * *

Рангларга кўчади
Дардларим
Феруза, гулоби, оқ, сариқ
Тўлган ой тўлғоғи сингари
Оҳимда тўлғонар
Телба Ишқ
Рангларга кўмилиб
Кетаман
Ишқ мендан тонмайди,
Тонмайди
Бинафша атрига
Маст Юрак
Ранглардай тўкилиб
Кетаман!

* * *

Кулгуга бегона
 ганимлар
 уринар устимдан
 кулмоққа
 Жаранглаб кетади
 Овозим

* * *

Сохта кун
 Сохта тун
 Қарашлар сохта
 Шу ролни ўйнашдан
 бош тортар юрак
 Юз турли ниқоблар
 чақчайиб турар
 Баҳосин нархлайди
 ниқобфурушлар.
 Тулки Шер бўлмоққа
 қилади даъво
 Ўт бўлиб ёнишдан
 чўчийди ҳасад
 Қўл-қўлга тегмайди
 қизийди Бозор
 Сохталик еб борар
 Инсон умрини

* * *

Совуқ хона...
 Жунжикади ҳатто Қородам
 Деворлари етмиш қават муз
 Тишида бардошни
 тишлаб яшайди
 Юрак шаклидаги
 Икки Тош ҳиссиз.

* * *

Кўп эслашди
Кўп соғинишди
Яқин бўлди
олис масофа
Эссиз, — дея
кўп куйинишди
Топшулар ўрнида
унди Меҳригул
Опицлаб йиғлашди
Армонларимни
Ўлимимдан
Сўнг...

* * *

Чумоли у-ёқдан бу-ёққа юрар
Оёғи дунёнинг кўзларин очар:
Эй, дунё! Бағринг кенг
Кўкрагинг балад
Ноғорангда ўйнар
Бу она замин
Лек сента ачинаман
Гарчи бир заррангга
Келмасам-да тенг
Оқни — оқ кўраман
Қорани — қора!

* * *

Ақл ҳисоблашмай
қўйдим сен билан
Туйғулар устингдан
қилди тантана
Гоҳо безиб кетсам
Ўзимдан ёмон
Бошлайсан
«ақлли каллалар»
томон...

* * *

Ўттиз йил мунгайиб қолар ортимдан,
Дунёни яқинроқ уқийман бироқ,
Умримнинг энг тоза япроқларида,
Ҳайқириб ётади минг битга сўроқ.

Ўттиз йил соғиниб қолар ортимдан,
 Ўттиз бир нигоҳда оқарар тонглар.
 Кун сайин кичрайиб боради жуссам,
 Кўксимда очилиб боради Ранглар.

* * *

Жисмпараст хонада
 юрак куйди
 Куйди юрак.
 Мотамсаро тун қўйнида
 Ҳилол куйди
 Куйди Ҳилол!

* * *

Рангин дунё
 ранго-ранг дунё
 Ичганга ўхшайсан
 Менинг руҳимни
 ёки адашдимми?
 ранги-рўйингни
 ўғирладиммикан
 аслида ўзим.

* * *

Нега?
 Тилсиз яшашим керак,
 Руҳ бўғилса, чиркин бу уйда.
 Нега тилим тишлашим керак?!
 Юрагимни гажиса итлар

* * *

Тун ёришмоқда
 Сукунат бағрини
 йиртар бир овоз.
 Олис болаликка
 ёки қишлоққа
 қайтандай соғинчлар
 узилар бир-бир
 Тонг отмоқда
 Эшитилар
 бўғиқ бир овоз
 Қора шарпаларга

тушади кўзим
деворда ўйнайди
пичоқ сояси
Ўлимга тик боқиб
турар ҳойнаҳой
Эгаси гаровга
пуллаган хўроз.

* * *

Тавба...
Қип-қизил шафақдаманми?
Қўлларим бўялган,
Қип-қизил қонга.
Ёраб, юрагимни
Бериб қўйибман,
Мени бўғизлаган
Қотил Кўнгилга.

* * *

Мен Сен билан узоқ яшадим
Кўнгилнинг энг гўзал эртақларида
Қонун деворларин қулатдик бир-бир
Чархпалак дунёнинг мужгонларида
Сўнг Ойнинг бўйнига
Ҳалинчак осдим
Ва учдим тўкилди
Буюк Гуноҳим
Ойдин юзларимга
Ойни босганча
Ерга қайтиб келдим
Сендан айрилиб!

* * *

Осмонга узатган
қўлларим бўм-бўш
Севгимнинг бозори
тутаган демак
Хув-в ана, биз кетган
бегона йўлдан
Бир Ишқ кетиб борар
Ҳеч ким етмаган.

* * *

Ҳаётим минг сўроқ
 Севгим минг сўроқ
 Осмондай дардим бор
 Гўзал ва олис
 Оҳ, қанча ҳайқирмай
 Сендан садо йўқ?
 Ҳижрон тўкилади
 киприklarингдан
 Узилиб тушади
 Ерга Оймомо
 Наҳот янаятман
 Азизим Сенсиз!!!

* * *

Биладан...
 Қайсидир гўшада ёлғиз
 Кимдир юрагимни
 варақлаётир
 Ошпоқ гулларимга
 сифиниб бир-бир
 Ишқим мазорига
 бош қўяётир!

* * *

Бир-бирига сингиб
 улгурмаган нигоҳлардай
 Узилишмоқда
 Дарахт ва Япроқ.

* * *

Қанийди, бир боргина
Юрагимнинг ҳадсиз
Оғриқларига
Қулоқ тутсангиз эди
Менинг ҳадсиз
гуноҳларимни
англадингиз.
Балки...
шу ҳақиқатларим
эвазига
Сизни йўқотиб
қўйгандирман?...

* * *

Қалбимни иситишга уринманг!
Нафрат ва Меҳр оралиғида
Ўтган умримга
Аза очганимга юз йил бўлди.

* * *

Сенсиз адашиб кетдим
руҳлари синиқ
Умид дунёсидан
қувилган
Ўзига-да бегона
номаълум кўзларга

* * *

Мен ёлғиз эмасман
Шеърларинг кучиб
Қорачиқларингда
яшайман жим.

* * *

Олис-олислардан
Келган қўшиқлар
Менинг дунёимни
Чизаётгандай
Сесканиб кетаман
Йўқ, бари ёлгон
Менга аталмаган
Жодутар қўшиқ
Телба юрагимни
ўйнаётгандай...
Сени ёд этаман.

* * *

Сиздан кутганмидим
Осмондай Меҳр
Исмингиз тўкилар
бармоқларимдан.

* * *

Кўкнинг кўйлагини юзимга ёцдим
Сен абадий меники бўлмоғинг учун.

ҲИЖРОН МАНЗАРАЛАРИ

Бир тоза ишқ бўлса, минг йил чекардим...
Зебо МИРЗО.

Бир тоза ишқ
Истаб кўнгил
Ай дўст, сизга борадурман,
Хароботдан озорда Дил
Эй Моҳ, сизга борадурман.
Гул баргига туйиб жоним,
Малаклар ичди исёним.
Машрабни истаб жаҳоним,
Эй Ҳур, сизга борадурман!
Ёнимда дўст,
Жонимда дўст,
Ҳар сафару
онимда дўст,
Ойбалдоғим кўкда ёлғиз,
Кўнгил ёлғиз,
Кўнгил ёлғиз...
Эй Нур, сизга борадурман!
Зебо сизга борадурман!

* * *

Фурсат оёғимдан тортқилай бошлар,
Бахтнинг йўлларида типирчилар жон:
Бойўғли ин қурган кўҳна оғочга,
Сизинган қумурсқа кўтарар исён.

Нураган деворлар, кесилган боғлар,
Тириклик ҳақида туш қўрар Ўлим.
Юлдузлар ўшадир, кеча ўшадир,
Тонгнинг ҳижронида оқарар Кўнглим!

* * *

Дилинг ичра бўлдим Жаҳон,
Бир бор диловар этмассан.
Ишқ кўйида бўлдим сарсон,
Бир бор мастона этмассан.

Қаъба айлаб, ки ишқ қабрин,
Кўзларимга зиё этсам,
Бошдин-оёқ Оят бўлдинг,
Нетай, Ҳаққимга элтмассан?!

КАПАЛАК ЛАБИДАН СУВ ИЧГАН ГИЁҲ

*Билдимки мен капалакдан
минг йил яшамоқни талаб
қилибман
йилт этган шубладан
абадийликни.*

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД.

Кўзларим ўтида ҳансирар олов,
Борлиққа қўл чўзар нимталанган Дил.
Ёлғизлик уйини бузар беаёв,
Аксини кўргандек яримта Кўнгил.

Уқийман, майдалаб ташланган Юрак,
Қонлари оқади томирларимга.
Мен сени минг йиллаб изладим бешак,
Капалак кўнглидан сув ичган Гиёҳ.

Сен — Менинг ёдимсан,
О, кўкдаги Моҳ.
Сен — менинг фарёдим,
Ердаги Гуноҳ.

Тилларанг сочларинг ифорларидан,
Зиёлар ёғилди, бошимдан-оёқ.
Кафтимга тўкилган гавҳарларингдан,
Яшил баргларимга ясадим Паноҳ.

Қақраган лабинга лабим босдим мен,
Капалак лабидан сув ичган Гиёҳ...

* * *

Тонг бўлиб дунимда оқаради Ишқ,
Юзларим чайди Ҳилол кўз ёши.
Титроқ лабларимга босиб лабини,
Кўксимни қонатар Ҳижроннинг тоши.

Қайноқ бўсалардан кийдириб либос,
Ястаниб кўз очди мингта қизил гул.
Пойингга лоларанг кўйлагин тўшаб,
Сени қарши олар муқаддас Кўнгил!

Ишқ бўлиб кўнглимда оқаради Тонг...

МЕН КҰНГИЛМАН

Мен — Дарёман, булутлар энган,
Бешигимда ухлар Оймомо.

Мен — Тупроқман, гиёҳлар унган,
Минг бир жуссам титроқларидан.

Мен — ошпоқ Тонг, киприklarимдан,
Сирғалиб, сирғалиб тўкилар шабнам.

Мен — Кўнгилман, дарчаларимдан —
Само ичра учар Оққушлар!...

ИСМСИЗГУЛИМ

Очун алласидан уйғонган кўнглим,
Турналар кўзидан ўғирланган Ишқ.
Сахрои кабирда очилган Гулим,
Исмсизгулим-ма, Исмсизгулим.

Кўзларим туманга термулиб тинди,
Ранглар ҳам қоришиб кетди дунимда.
Оҳларим тафтида бир гиёҳ унди,
Исмсизгулим-ма, Исмсизгулим.

Исмингни қўймоғим нақадар оғир,
Исми ўзи билан туғилган туйғум.
Ё, шафақ кўксидан тўкилди Ёмғир,
Исмсизгулим-ма, Исмсизгулим.

Бўйниниға ҳилолни осиб суйдим ёр,
Чилдирма ишқимни чалиб ўтсинлар.
Икки бешигимда исминг ўйдим ёр,
Исмсизгулим-ма, Исмсизгулим!

ЯЛДО ТУН...

Умид кўзларида ёш кўрдим бу Тун,
 Мендан-да, сендан-да дардли, гирёндир.
 Ойнинг қўлларида тош кўрдим бу Тун,
 Хув-в, эски сиримиз унга аёндир.
 Ялдо кечасида сирлашган диллар,
 Туннинг лабларида очилган Гуллар.
 Кўзлар бир-биридан ибo талашиб,
 Оллоҳ даргоҳига етган Кўнгиллар.
 Кел, десам...
 Келмадинг?!
 Бу туннинг келгани ёлғон
 Ҳали уйғонмадим афсунгар тушдан,
 Ё, чўчиб кетдингму?
 Майпараст ишқдан.
 Келмадинг?!
 Ялдо тун бағрида ёлғиз,
 Дарбадар кезишлар
 тегди жонимга.
 Ялдо тун...
 Алдамчи, тошмехр Кеча,
 Ахири ҳайдади мени кўчага.
 Ялдо тун олислаб кетяпти мендан —
 Мен эса, айланиб боряпман
 ТУНГА!

ЎН ОЛТИ МИНГ ИБО

Оёғим остида жон бердинг, дунё,
 Зоҳирий аламлар қовжираб сўлди.
 Мен эса сархушман — ажиб бир маъво,
 Хазонрез дунимда чечаклар кулди.

Маҳзун тун сочидан ясаб беланчак,
 Оймомо тонггача аллалар айтди.
 Ўн олти баҳорим — гулгун келинчак,
 Ўн олти минг ибo бағримга қайтди.

Осмонлар қулади менинг пойимда,
Чин Ишқим қўлида бежонман гўё.
Оққушлар жуфт бўлди Кўнгил сойимда,
Оёғим остида жон бердинг, дунё!

Оёғим остида осмондир дунё...

АЗИЗИМ...

Ўттиз йил бағримга кечикиб келдинг,
Ўттиз йил яшадим сенсиз беқадр.
Соғинч бўлиб келдинг, ичкиб келдинг,
Мен Сени ўзимда топдим Азизим.

Энди гулоб бўлгум даҳрибўстонга,
Энди учиб кетгум Кавкабистонга.
Истасам моҳ бўлгум етти осмонга
Мен сени ўзимда топдим Азизим.

ГУЛЛАРНИНГ БАРГИДА

Унут! — дейсан,
Хотиржам, мардонавор,
Ялиниш, ўтинчлар
бари беҳуда.
Мен эса, унутиб
Кимлигимни ҳам
Кучоқлаб турибман
Гўзал армонни.
Қанийди?!
Хизрлар топинган Найсон,
Ўғирлаб ичсайди
Исёнларимни.
Унутиб кетсайдим
сен айтганингдек,
Оққушлар шоҳ бўлган
Осмонларимни.
Йўқ, йўқ янглишдинг,
енгилдинг жоним
Сенсиз ўтган умрим
саробдир бари.

Ғам бердинг шодмонман,
 Оқ тонларим Ҳақ,
 Дард бердинг улғайдим
 Ҳақ сари кетдим,
 Дунёни уқидим
 Маҳшар яқинроқ,
 Ё Эркни суйдимми?!
 На-дан устунроқ,
 Йиқилсам, йиқилдим
 Шернинг пойига.
 Йигласам, йигладим
 Гулнинг баргига...

ИСМИНГДАЙ УЛУҒ

Кўрганим Ишқ бўлди,
 Ичганим ҳам Ишқ,
 Фалак — Ишқ,
 Малак — Ишқ,
 Оҳ, соҳира Ишқ,
 Нечун тўймайман
 гуноҳларингга,
 Мен эриб кетяшман
 нигоҳларингга.
 Қанийди, азизим!
 Бир ёруғ кунда,
 Зулфинг сиртмоғида
 Осилиб ўлсам.
 Сочинг туманида
 Минг йил адашган,
 Сарсона Жонимни
 Кўзингга кўмсам.
 Бир Ажр бўлардим,
 Мукамбар, қутлуғ.
 Бир Ажр бўлардим,
 Исмингдай улуғ!

Ярим тун...
 Саболар айтади қўшиқ,
 Тебраниб кетаман,
 Ай Дил, насмингдан.
 Э воҳ, кўзларимни
 Очиб қарасам,
 Чўмилиб ётибман,
 Ҳижрон Ёшига.

О, БЕГИМ

Оҳ, бутун мен билан алам ухлайди,
 Сиз билан ухлайди ичиккан хаёл.
 Осмондай бағрингиз узра титраниб,
 Ухлайди дунёда энг бахтли Аёл.

О, бегим кўксингиз ўлимдай ёруғ,
 Соҳир дийдорингиз ҳаётдай ширин.
 Қаранг, ёғаётир олов ёмғирлар,
 Бир маънос куй чалиб, унсиз, яшрин.

Бегим, дийдорингиз ойдаин ёруғ,
 Бегим, Ҳижронингиз висолдай ширин...

* * *

Турналар изидан
 Кетаётган ким?
 Қаноти шафакранг,
 Кўзлари мовий.
 Кўксида яшриб
 Бир парча чўғни,
 Адл кетаётган
 Самовий дўстим.
 Ким у кетаётган?
 Ойбалдоғида
 Ёрига энг сўнгги
 Мактубин битиб.
 Ким у йиғлаётган?

Тун қирғоғида
 Ёрнинг сочларига,
 Кўз тумор тикиб.
 Ким у кетаётган?
 Ҳижрон гулидан
 Ёрнинг болишига
 Экиб оқ тушлар.
 Ким у?
 Абрдан оқ гуллар узиб,
 Қошига чорлайди,
 Гўзал оққушлар.
 Ким у кетаётган?!
 Мушғдай юракка
 Бир қутлуғ Муҳаббат
 Уруғин сочиб.
 Ким У кетаётган?
 Дунё дунимга
 Жимгина кетаётган
 Менинг севгилим!

* * *

Минг оҳ билан кетиб мендан,
 Хорлигимни сезмадингиз?
 Ҳаёт бериб кўзларимга,
 Борлигимни сезмадингиз?

Ётсираган кўнглингизда,
 Ойдек ботдим сезмадингиз?
 Тенгираб дил мазорида,
 Муздек қотдим сезмадингиз?

Бу жон ёниб куйингизда,
 Адо бўлдим сезмадингиз?
 Нур талашган изингизда,
 Пайдо бўлдим сезмадингиз?

Минг оҳ билан суйсам ҳамки,
 Пинҳон суйдим сезмадингиз?
 Сезмадингиз, сезмадингиз?
 Тавоф бўлдим сезмадингиз?!

* * *

Учрашамиз минг йилдан кейин,
Дея мени алдагин жоним.
Бу алдовлар шунчаки эмас,
Бу алдовлар бўлмас шунчаки.
Ахир жоним яшашим учун
Ўтинаман мени алдагин.

* * *

Мен Сендан кетдимму ёки ўзимдан?
Нозик қўлларимдан сумбуллар кетди.
Мен Сендан кетдимму ёки ўзимдан?
Ишқ отлиғ дунёмдан Кўнгиллар кетди.

Мен Сендан кетдимму ёки ўзимдан?
Худодай Хуршиди Канъоним кетди.
Мен Сендан кетдимму ёки ўзимдан?
Саждагоҳ — Мукаррам Жаҳоним кетди.

Мен Сендан кетдимму ёки ўзимдан?
Энг ёруғ, энг қутлуғ суҳробим кетди.
Мен Сендан кетдимму ёки ўзимдан?
Умримга еттулик Меҳробим кетди.

Мен Сендан кетмадим, кетдим Ўзимдан...

* * *

Келса кимки, меҳр истаб,
Итоатмен.
Итоатдан яралганмен Ибодатмен.
Итоатмен, итоатмен, итоатмен,
Даҳр ичра борки Кўнгил,
Ибодатмен!

КЎЗ ОЧИБ КЎРГАНИМ ВАТАН!

Бир куни...
 Кафтинга қўйиб бошимни,
 Танийман,
 Кўз очиб кўрганим Ватан!
 Ишқсиз юракларга
 Сигмай дарбадар,
 Факрона Тупроғим
 Қаландар Ватан!
 Бир куни...
 Кафтинга қўйиб бошимни,
 Оҳ, десам...
 Найсонлар ичса қонимни.
 Гар поклик истасанг
 Бериб жонимни,
 Бошимга кўтаргум,
 Самандар Ватан!
 Бир куни...
 Кафтинга қўйиб бошимни,
 Куйласам йиғлайдур
 Дунёи Жаҳон.
 Ишқпараст Кўнглимни
 Айлаб майхона,
 Ҳақликка етгайдур,
 Ҳазрати Инсон.
 Яқиндур,
 Яқиндур!
 Мунаввар тонгим.
 Кавкаби Ишқ ичиб,
 Етгум васлингга.
 Сарсона жонимга
 Никоҳлаб исминг,
 Шундай Ҳур кетурман
 Ибодат қадар!
 Бир куни...
 Кўксинга қўйиб бошимни,
 Танийман,
 Кўз очиб кўрганим
 Ватан!

БАҒРИНГ ВАТАН БЎЛСИН!

Бинафша шивиридан диллар уйғонди,
Чучмома ранг олди сиёҳдон Кўкдан.
Васлинга интизор тунлар тўлғонди,
Пойинг қутлуғ келсин, ойим Наврўзим!

Етмиш икки малак ошиқ хуснинга,
Самодан кўрмана томчилар сочди,
Мажнунлар айланди бедил мафтунга,
Ёр-ёрлар муборак, ойим Наврўзим!

Қайноқ вужудингдан яшарсин Миллат,
Нафасинг бор этсин жумла жаҳонни,
Кўнгишлар тозарсин, қолмасин иллат,
Бағринг Ватан бўлсин, Ватан Наврўзим!

ОТА

Не-да келдим, не-да ёндим, не-да кетдим,
Ота, Сизга бирор мисра шеър битмадим.
Ва лек ҳаққа элтар кўҳна дунёимдан,
Сиздан ўзга нуру Талъатни топмадим.

Чорласам гар барча бисёр сарбоғимда,
Шоҳу гадо тенгдур маним ардоғимда.
Адо бўлдим ва лек Ишқимнинг доғида,
Сиздан ўзга валий Тоатни топмадим.

Азиз айлаб неча дўст-у ёронларни,
Суйдимми-ё, қўл-оёқли илонларни.
Истадим гар, мани истар Замонларни,
Сиздан ўзга қутлуғ Ибодат топмадим.

Ота, Сизга бирор мисра шеър битмадим...

ОНАМГА

Мен шеър ёзмадим,
 ёзмадим, она.
 Кўзларингда экилган
 Софинчни ўрдим.
 Кучсам кучоғимга
 сифган ўрикни,
 Қартайган қўларин
 Тушимда кўрдим.
 О, борар манзилим
 узундан-узун,
 Оқ-қора кўйлақлар
 ёйиб кўйилган.
 Осмоним талашган,
 Уч-тўртта кузғун,
 Дўзах дарахтига
 Осиб кўйилган.
 Дунёга юзма-юз
 бўлдим, она!
 Бағри қон, девона
 Бир Ишқни кўрдим.
 Кўнгил қирғоғидан
 Юз бор қувилган,
 Муҳаббат ўтига
 Ўзимни урдим.
 Шу оташ ичинда
 Ёнаётурман.
 Кўзларим,
 Қўларим,
 Юрагим ҳам чўғ.
 Ҳатто, Оққушимни,
 Ўғирлаб мендан
 Дарёга узатган,
 Гуноҳим ҳам чўғ.
 Оловман!
 Оловман!
 Югурик Олов!
 Юлдуздай сочишдим,
 Ишқ саҳросига.
 Шундай Ҳур бўлдимки,
 Зар кокилимдан —
 Ҳар тонгда кўкарди,
 Ишқлараст Дарахт.
 Шундай Нур бўлдимки,

Ишқ тожин кийиб,
Яшадим Оллоҳим
Назаргоҳида.

Мен шеър ёзмадим,
Ёзмадим, она!
Тушимда турналар,
Эртақлар айтди...

* * *

Сиз қанча куюнманг
Барибир Дарахтман,
Жирканч бўғзингизга
Сачрамас қоним.
Илдизимга тушган
Ёнарқуртларсиз,
Нопок тишларингиз
Оғритар жоним.
Этагим ушлашга
Бунча ошиқманг!
Ёнарқурт на билсин
Дарахт қадрини.
Сиз ойдин юзимни
Ҳеч кўролмайсиз?
Сабрим хийлангизга
Ўқир жаноза.
Куйинманг!
Кўкка деб,
Дарахтнинг боши.
Алқисса сиздайин
Замондошимнинг
Ичиб ўтаяпман,
Манқурт вужудин.
Токи қабоҳатта
Ботмасин Дунё!

* * *

Дунё бўғзидан тинглайман бир Сас,
Минг йиллик дунёнинг эски қўшиғи.
Қўшиқнинг мунгига жўр бўлганича,
Ғижимлай бошлайди Кўк юрагини.

ВАТАН ГУЛЛАМОҚДА КЎЗЛАРИМИЗДА...

Устозим Анвар ЖЎРАБОЕВГА

Умр ортқилайди ташвишларини,
Унданда устунроқ гўзал дардингиз.
Бир Ватан гуллайди кўзларингизда
Чизгилай бошлайсиз асл мардингиз.

«Ўтган кунлар»идан сўзлар Қодирий,
Миллат, Эрк юксалиб боради мудом.
Отабек кўксини тизлаган иллат
Бир парча чўғ қилар Сизни ўша дам.

Тарих жароҳатин тинглайсиз сассиз,
Хўрланган бир миллат ҳайқирар шу он
Танингиз ўт бўлиб ёнади лов-лов
Наҳот «камситилиш» тўлдирди ҳамён.

Ўтмиш саҳифасин титкилаб бир-бир
Чуқур хўрсинасиз, зил-замбил Армон.
Ва ёза бошлайсиз бир кам дунёни
Ёлғиз Аллоҳ сизга мадаккор, дармон.

Маънос пичирлайсиз: Анисим халқим,
«Ўзингдан айланай мунисим халқим»
Муҳаммад Юсуфинг, Шавкат Раҳмонинг
Ҳеч қачон ўлмаган, ўлмайди халқим!

Сада райҳонларнинг ифори янглиг
Ватан гулламоқда кўзларимизда...

ВАТАНКИМ...

Ватанким, ўтмиш кўзларида ёш,
 Ётмиш йил аламзада яшаган халқим.
 Ватанким, хўрликдан ёрилганда бош,
 Дўпписи тагида яширган халқим.

Ватанким, эл бўлиб элнинг дардига,
 Мисли офтобдайин меҳрини тўккан.
 Ватанким, жон бериб элнинг жонига,
 Бир эмас минг битта жонини тиккан —
 Ул кўли қадоклар ўзи Ватандир!

Ул меҳри Куёшлар ўзи Ватандир...

ШОИР ДЎСТЛАРИМГА**ҲАЗИЛ ШЕЪР**

Гоҳо сифмай шу тор хонага,
 Отиламан эшикка томон.
 Муҳарририм сўраб қолса гар
 Шеър ёзмасам аҳволим ёмон.

Жонга тегар сершовқин шаҳар,
 Кенгликларни қумсайди кўнгил.
 Қишлоғимнинг битта боғига
 Алишардим шаҳарни буткул.

* * *

Кўп алдандим дўст-у ёронларимга,
 Алар зордур маним ҳайронларимга.
 Изим ўпиб, қора тузоғин кўяр,
 Боғим ичра булбул, жайронларимга.

Оҳ, бу шафақ, дилим каби қонталаш,
 Бировга хун, кимга дунё, жон талош.
 Кўнглим осмон, оёқ ердан узилмас,
 Икки дунё кўзларида ман талош.

* * *

Узун манзил...
 Кетяшман,
 Кафтимга чизилган
 йўлдан.
 Оёғимга чирмашган
 зарпечакларга
 Тоза эпкинларим
 Бой бериб қўлдан.
 Кетяшман...
 Барига қўл силтаб,
 дадил,
 Осмонга елкадош,
 Мард Қояларга.
 Қўлларим Қояга
 Етди деганда,
 Қаногим остида
 ўрмалар илон.

НОБАКОРГА

Яхшиямки, дунёда сендайлар ҳам бор,
 Бу сўқир кўзларни очиб қўярсиз.
 Иғволар ичинда қоришиб бир кун,
 Ҳатто ўзлигингиз сотиб қўярсиз.

* * *

Бир ҳақлик истадим
 Ишқдан устунроқ
 Қўнғилдан ўзга бир қабр топмадим.
 Ё, Худо тавба деб қошинга борсам
 Бир Тавоф топмадим ишқдан устунроқ.

КЎҲНА МАНЗИЛГА...

Афсус, алдадиму?
 Бевафо дунё,
 Деганлари ростмикан?
 Ўткинчи бари.
 Йўқ, йўқ, ишонмам,
 Ишонмам сира,
 Фаритга қўлларда
 Жон тутсалар ҳам.
 Энди мен кўркмайман
 Қора илонлар,
 Ойдин йўлларимга
 Вишиллаб ётса,
 Севишни билмаган
 Кўнгли мудроқлар,
 Гийбат тошларини
 Ортимдан отса.
 Бир кулиб қўяман,
 Парво ҳам қилмай
 Боқинга арзимас
 Чипор юзларга.
 Ва давом этаман
 Умр йўлимни,
 Ҳурлик деб аталган,
 Кўҳна манзилга...

II

Ҳув...
 Ана кўраяшман
 Менга ёлғизим,
 Кафтида бир ҳовуч
 Нур тутаётир.
 Анча йил олислаб
 Кетиб ўзимдан,
 Бугун йўлларимга
 Кўз тикаётир.
 Ки, менга Азизим,
 Яқинроқ келгин.
 Кўксимни куйдирган
 Соғинчларга боқ.
 Танигин ўзингни
 Кўнгилга йўйган,

Ёлгонлар симирган
 Ўзлигинга қайт.
 Бариси мендадир,
 Йўқотганларинг.
 Энг тоза ниятлар,
 Азму ёдларинг.
 Юрак чандигингда
 Чирмашиб ётган,
 Энг сўнгсиз дардларинг,
 Қийноқларинг ҳам.
 Ўксиниб яшадим,
 Сенинг руҳингда.
 Меҳрга зор этган,
 Ёмонларимдан.
 Забонин дуога
 Чархламай туриб,
 Қарғишга қайраган
 «Художўйлар»дан.
 О, жоним сирқираб
 Оғрир эсласам,
 Ўз уйин куйдирган
 Бекафанлардан.
 Хиёнат комига
 Нафсини уриб,
 Мурувват истаган
 Беватанлардан.
 Бекард кимсалару
 Беимонларнинг
 Қонли қўлларида
 Йиғласа Дунё,
 Қуфрдан, исноддан
 Бўғилиб борлиқ,
 Исёнга тўлганда
 Бу Дилкаш маъво.
 Барисин енгишга
 Енгиб яшашга,
 Менга мадад бўлди,
 Бир буюк туйғу.
 Ҳар нафас имоним
 Поклаган ҳам У.
 Мунисам, мушфиқим,
 Ватан тупрогин,
 Азизу мукаррам
 Айлатган ҳам У.

Ш

Келдингму?
 Кўрдингму?
 Шу улкан юкни
 Сигдириб яшадим,
 Мушгадай юракка.
 Аслида мен эмас,
 Дунёларимда...
 Яшил баргларимда
 Қолган Кўзларинг,
 Ардоқлаб яшади
 «Исмсиз Гул»ни
 Ҳаётбахш, беназир
 Наволарингда.
 О, Сенинг кўлларинг
 Кўксимда қолган,
 Кўтариб яшадинг
 Осмондай Дилни.

КЎЗЛАРИМДА ЙИҒЛАДИ БЕУН...

Само янглиғ таралди сасинг,
 Овозингдан тўйиб ичдим май,
 Мен Кўнглига айландим буткул,
 Лабларимдан бўса олди Ой.

Юрагим ҳам чиқди уйдан,
 Алвонрангли гуллар чизилди.
 Мудроқланган кўҳна заминга,
 Ишқ тиланган Диллар тизилди.

Овозингдан маст бўлдим букун,
 Бу кенг дунё сизди дунимга.
 Кўзларимда йиғлади беун,
 Кетаётган узу-у-у-у-н Айрилиқ,
 Кетаётган узу-у-у-у-н Айрилиқ.

* * *

Кўзларда қотади битта Сўз,
 Бевафо йилларнинг эрмаги.
 Оллоҳнинг назмида ўша сўз,
 Энг гўзал дилларнинг эртаги.
 Бу сўзни айтишга ҳаққим йўқ,
 Бемаврид келгандек Оққушлар
 Шу сўзим борлигим англатар,
 Ўнгимда ёғилган Оқ тушлар.

...КУЛИБ КЕТЯПМАН ДУНЁЛАРИНГДАН!

Чашми қароғингда яшринган Дурман,
Лафзи ҳалолингда илоҳий Нурман.
Тоза иқболингда Тупроқман, Хурман,
Айт, кечиб бўлурми Наволарингдан?

Ҳаёман ҳажрингда, сарсон гирёнман,
Бевафо дунёда Ишқман, Ҳижронман.
Ўлсам, нафасингда ўлган бир Жонман,
Айт, қандай кетайин Маъволарингдан.

Ё Худо, кетганим, кетганим сайин,
Соғиниб кетяпман Озорларингни.
Кетсам нафасингда кетаман энди,
Мен кулиб кетяпман Дунёларингдан!

ОҚ ГУЛ

Қани ўша ўтли нигоҳлар,
Минг бир жоним титратган оҳлар.
Жумбушга келтириб икки дунёмни,
Биримда сиздирган тоза гуноҳлар.

Қани ўша осмондай кўнгил,
Гумонларга алдандими Дил.
Бировга юк, бировга енгил,
Сарсон бўлди ўртада Оқ гул.

Оқ гул, оқ гул, чангда қолган Гул,
Юзларини ёмғир ювган Ҳур.
Шабнамларга тутма ўзингни,
Улуғ Ишққа ибодатлар қил.

* * *

Армонлар ин қурган ямоқ кўксимда,
Сарғайган соғинчдан ўзга нимама бор?
Дунёда сизмаган дарё кўнглимга,
О, тоза ишқимнинг гўшангаси тор.

Оҳ, бу йиғлаётган балки мен эмас,
Баҳор бўсасини соғинган чечак.
Қара, нафасингда яшайди энди —
Ҳазондан кўк либос кийган келинчак.

ОЙ ПАРЧАЛАРИ

«Сен Худодан тортигимсан» дегандингиз,
«Аёлдан ҳам ортигимсан» дегандингиз,
«Исмсиз Гул» сифмади-ей, Кўнглингизга,
Мен Дилимни ишқ қабрига кўмиб қайтдим.

* * *

Маним дунём эрк тилаган Хур,
Ҳар нигоҳим тошларни ўйган.
Бақогулга бериб бахгини,
Сариқгулда садоқат туйган.

* * *

Бу дунё кўнглимнинг жанда бешиги,
Дардларим белаيمان аллалар айтиб.
Йиғласа замонлар, эш бўлса зоғлар
Маъбуда бешикка сабр тилайман.

* * *

Мен кетсам дунёдан қулиб кетарман,
Кўнгил, нурларимни сочиб оламга.
Муқаддас уйимни обод этарман,
Ибодат эшигин очиб одамга.

* * *

Куйди жоним, ўлди жоним,
Истаб, нур-у жамолингни.
Ҳар нигоҳинг беҳишт айлар,
Минг гуноҳу заволимни.

* * *

Кўзимни ҳеч кимга бермадим,
Кўзимда ухлади кўзларинг.
Изларинг босолмас ўзга из,
Кўнглимга айланган изларинг.

* * *

Тонгдай ойдин кунларни тилаб,
Саҳроларга экдинг гулимни,
Қузатиб қўйгандим Сени самога,
Ёмғир бўлиб ўпдинг Кўнглимни.

* * *

Соғинч сендай сигилиб кетсам,
 Ёмғирларга айтсам дардимни.
 Танҳо менми
 Ҳажрингда куйган,
 Исёнларга бериб мардимни?
 Соғинч, сендай кўзлардан оқсам,
 Оқиб кирсам унутган Дилга.
 Соғинч, сендай тўкилиб кетсам,
 Қуёш юзин кўрмаган Тонгга.

Майсаларни ўпиб уйғотсам...

* * *

Дунёлар кафтимга
 Япроқдек кўнар,
 Доғларим ювгали
 Абрлар энар.
 Телба Ишқ жомида
 Бир Исм унар,
 Мен Сизга қайтаман,
 Қайтаман, Жоним!
 Бизни деб йиғлаган
 Оқарган Тонглар,
 Юракни тиелаган
 Саросар онлар,
 Самодил кўзимда
 Чарсиллаб ёнар,
 Мен Сизга қайтаман,
 Қайтаман, Жоним!

Дунёлар кафтимга
 Япроқдек кўнар,
 Телба Ишқ жомида
 Бир Исм унар...

Устоз Рауф ПАРФИГА

Юракни эзади харобазорлар,
Дунёни унуттинг келади баъзан.
Бир таскин излайсан дунё-дунингдан
Бағрингда улгайиб боради осмон.
Бир зум унугасан кечаги кунни,
Қайғунгдан семирган хасис дўстингни.
Таъқибдан бепичоқ чўйилган тунни,
Бир зум унугасан! *е*
Унугасан...
Найрангбоз ҳаёт
итқитиб ташлаган
Асарларингни.
Ёхуд қабоҳату
фиску фасотдан
Доғ ичра доғ бўлган
гавҳарларингни.
Бир зум унугасан!
Бари-барини,
Гўдакдай севасан
бутун борлиқни,
Дард ичра жилмайиб
боқасан мудом,
Кўксинга босганча
Ватан ёрлиқни!

Ю...га

Кундузим бир куни келсайдинг,
Тунимнинг ҳолини сўрсайдинг,
Бу тунда юлдузлар саргардон
Бу тунда Ҳилол ҳам бемакон.

Кундузим бир куни келсайдинг,
Бир телба Очунман севсайдинг,
Ишқпараст вайрона дилимдан
Шу Тунни мангута қувсайдинг
Кундузим бир куни келсайдинг?!

Кундузим...

*Бевақт хазон бўлган холаларим Муаззамой ва
Муборакой Очилахон Ҳожси қизларининг ёруғ
хотирасига бағишлайман.*

Шу дарахт тагида
Менинг қабрим бор
Ошиқлар йиғлайди
шу ердан ўтсам
Ё, Сени кўргандай
буткул бемажол
Судрайман оғир
оёқларимни
Шу дарахт тагида
Менинг қабрим бор
Қабртош қўйилган
Йўқлик исмингдан
Майсалар билсанг гар
ярим дийдорлар
Ҳатто ярим экан
Ботаётган Ой
Кечалар яримдир
Товушлар ярим
Яримдир кўнгишлар
бари, бариси
Шу дарахт билсанг гар
Биздан бахтлидир
Ёруғ изларимизга
Садақа бўлган
Шу дарахт тагида

Менинг қабрим бор
Ошиқлар йиғлайди
Шу ердан ўтса...

СЕН УНУТГАН КУН

Балки, юз йилдан сўнг,
Ўзгарар ҳаёт
Унутилар бизни
адашгирган йўл.
Балки, юз йилдан сўнг,
эртак дейишар
Ғийбатлар еб қўйган
Ҳақиқатларни.
Маънос бош ирғайди
Эртакчи чолдай
Олис ҳақиқатни
соғинган чинор.
Тотли суҳбатларни
ёд этар бир-бир
Мажнунтол рақсига
илҳақ ўша Кўл.
Балки, юз йилдан сўнг,
Севгимиз ҳаққи
Осмонга ёр бўлар
Сен унутган Кун!

* * *

Шу таниш йўлаклар
Балки умримдир.
Балки шу изларда
Ҳақиқатларим.

* * *

Кун ўтмоқда
бесамар, файзсиз
писта пўчоғидек
тўзғиган риё
Ҳатто пайқамассан.
Ялгир-юлгирдан
Кўзинг остидаги

кўршапалакни
Ахирий сезасан
жигардаги қурт
Тиш уриб улгурган
Алвон гулингта.

* * *

Сир қидирманг дунёларидан
Одамзотнинг ўзида минг сир.
Руҳ тилини тушунсангиз гар
Ҳар бирингиз илоҳий асар.

* * *

Қора қарға қағиллай бошлар
Ошноқ қордан тўқиб зўр эртақ
Яшил боғлар чекина бошлар
Соғинганда яланғоч қишни
Кўрсатгим келади «фаришта»ларга
Қора рангда Ҳақиқатларни.

* * *

*Тарихий қўлёзмалари билан илму маърифатга
улкан ҳисса қўшган донишманд
Ю.М. ПЕТРОВга*

Ҳаёт фалсафасин ўргандим Сиздан,
Англадим ҳақиқий яшамоқ сирин.
Дунёда буюк куч йўқ эди сўздан,
Шу кучки, тасанно, сизда яшрин.

Фалақдан кенгликни олгансиз, ёраб,
Балки, фалақдинда баланд руҳингиз.
Сиз-ку яшаяпсиз улуғ ишқ тилаб,
Дунёлар гуллайди йўлингиз қараб.

Кимнидир эрмаклаб, хор этган дунё,
Бир чимдим меҳрга зор этган дунё,
Сиз эса наққошсиз икки оламга
Бошдин оёғингиз нур этгай дунё!

38—Тафовут

МУНДАРИЖА

ОЙДИН ТУШЛАР

Силсила

«Шафақранг Кўзгу» - 3

«Рангларга кўчади» - 4

«Кулгига бегона» - 5

«Қизийди бозор» - 5

«Совуқ хона» - 5

«Кўп эслашди» - 6

«Чумоли» - 6

«Ақлли каллалар» - 6

«Ўттиз бир нигоҳда» - 6

«Жисмпараст» - 7

«Рангин дунё» - 7

«Нега?» - 7

«Тун ёришмоқда» - 7

«Тавба» - 8

«Мен сен билан» - 8

«Осмонга узатган» - 8

«Ҳаётим» - 9

«Биламан...» - 9

«Бир-бирига» - 9

«Қанийди» - 10

«Қалбимни» - 10

«Сенсиз» - 10

«Мен ёлғиз» - 10

«Олис-олислардан» - 11

«Сиздан кутганмидим» - 11

«Кўкнинг» - 11

ҲИЖРОН МАНЗАРАЛАРИ

«Бир тоза ишқ» - 12

«Кеча ўшадир» - 12

«Дилинг ичра» - 12

«Қапалак лабидан сув ичган гиёҳ» - 13

«Тонг бўлиб» - 13

Мен кўнгалман - 14

Исмсизгулим - 14

Ялдо тун - 15

Ўн олти минг ибо - 15

Азизим... - 16

Гулнинг баргида - 16

Исмингдай улуғ - 17

«Ярим тун» - 18

О, Бегим - 18

- «Турналар изидан» - 18
 «Минг оҳ билан» - 19
 «Учрашамиз» - 20
 «Мен сендан» - 20
 «Келса кимки» - 20
КЎЗ ОЧИБ КЎРГАНИМ ВАТАН!
 «Бошимга кўтаргум» - 21
 Бағринг Ватан бўлсин! - 22
 Ота - 22
 Онамга - 23
 «Сиз қанча» - 24
 «Дунё бўғзидан» - 24
 Ватан гулламоқда кўзларимизда - 25
 Ватанким - 26
 Шоир дўстларимга - 26
 «Кўп алдандим» - 26
 «Узун манзил» - 27
 Нобакорга - 27
 «Бир ҳақлик истадим» - 27
 Кўҳна манзилга... - 28
 Кўзларимда йиғлади беун - 30
 «Кўзларда қотади» - 30
 «Кулиб кетяпман дунёларингдан!» - 31
 Оқ Гул - 31
 «Гўшангаси тор» - 31
ОЙ ПАРЧАЛАРИ
 «Сен худодан» - 32
 «Маним дунём» - 32
 «Бу дунё» - 32
 «Мен кетсам» - 32
 «Куйди жоним» - 32
 «Кўзимни» - 32
 «Тонгдай ойдин» - 32
 «Соғинч сендай» - 33
 «Дунёлар кафтимда» - 33
 «Юракни эзади» - 34
 «Кундузим» - 35
 «Холаларим хотирасига» - 35
 Сен унутган Кун - 36
 «Шу таниш» - 36
 «Кун ўтмоқда» - 36
 «Сир қидирманг» - 37
 «Қора қарға» - 37
 «Ҳаёт» - 37

Мусаллам БОНУ

ТАФОВУТ

Шеърлар

Муҳаррир Дялшод Ражаб
Рассом Абдусаттор Ўзгур
Мусаҳҳиҳ Заҳро Мўминова
Саҳифаловчи Темур Хайдаров

Босишга 2002 йил 30 сентябрда руҳсат этилди. Бичими 108x84 ¹/₃₂.
Босма тобоғи 2,5. Адади 3000 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти.
Тошкент шаҳри, Жавоҳарлал Неру кўчаси, 30.
ТПФИ босмахонасида чоп этилди.